
ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

Акобиров Дилмурод Тўймуродович,

Келиб тушган сана 6 март, 2018 й.
Эълон қилинган сана 20 май, 2018 й.

Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратурасининг Олий ўқув курслари
ТИНГЛОВЧИСИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-2-7>

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Аннотация: автор статьи анализирует законодательство в части наделения прокуратуры новыми полномочиями по защите прав субъектов предпринимательской деятельности, дает правовую оценку перечня полномочий прокурора в данной сфере. Также рассматривается соотношение надзора за соблюдением прав субъектов предпринимательской деятельности с функциями прокуратуры.

Ключевые слова: органы прокуратуры; новые полномочия; субъекты предпринимательской деятельности; защита прав.

Аннотация: мақола муаллифи прокуратурага тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича янги ваколатларни тақдим этиш борасидаги мамлакат қонунчилигини таҳлил қилади, прокурорнинг ушбу соҳадаги ваколатлар рўйхатиغا баҳо беради. Шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устидан назорат билан прокуратура функциялари ўртасидаги муносабат кўриб чиқилади.

Калиг сўзлар: прокуратура органлари; янги ваколатлар; тадбиркорлик фаолияти субъектлари; ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.

Abstract: the author of the article analyzes the legislation in terms of granting the prosecutor's office with new powers to protect the rights of business entities, gives a legal assessment of the list of powers of the prosecutor in this field. The ratio of supervision over observance of the rights of business entities to the functions of the prosecutor's office is also examined.

Key words: prosecution authorities; new powers; subjects of entrepreneurial activity; protection of rights.

Замонавий иқтисодий шароитларда тадбиркорлар, хусусан кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳимоя қилиш масалалари алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда, зотан мазкур сектор ишчи жойларнинг салмоқли қисмини таъминлаб беради. Айни вақтда давлатнинг иқтисодий соҳадаги ўрни ҳам ортиб бормоқда.

Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. 2012 йил 2 майда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун, 2018 йил 22 январда эса ?5308-ПФ-сонли "2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлашда анча муҳим рол прокуратура органлари зиммасига юклатилган бўлиб, прокуратура органлари томонидан ушбу соҳада қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, Прокуратура органлари томонидан 2017 йиллар давомида мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Ушбу ишларни амалга ошириш давомида алоҳида эътибор тадбиркорлик субъектларининг ҳимоясини таъминлашга қаратилди.

Ушбу соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида:

- қонунларни тарғиб қилиш бўйича 46525 та тадбирлар ўтказилди;

- 9434 та телеэфир, 8686 та радио орқали чиқишлар ташкил қилинди, 2527 та мақолалар чоп этилди;

- Бош прокуратуранинг мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш Марказининг 34 та вазирлик ва идоралар билан ўзаро электрон алоқа тармоғи самарали фаолият кўрсатиб, мурожаатлар ҳал этилиши устидан ахборот-коммуникация технологиялари

воситасида тизимли электрон назорат амалга оширилмоқда.

Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижасида:

- ноқонуний қарорларга 752 та протестлар келтирилди;

- қонун бузилиши сабабларини бартараф этиш ҳақида 323 та тақдимномалар ҳамда судларга 4.0 млрд. сўм пул маблағларини ундириш ҳақида аризалар киритилди;

- 97 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 419 та жиноят иши кўзгатилади.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашини, ноқонуний текшириш ўтказиш ҳамда мурожаатларини кўриб чиқишдаги қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш борасида ўтказилган назорат тадбирларида:

- 356 нафар мансабдор шахслар интизомий ва 609 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди;

- 252 та жиноят иши кўзгатилади.

Ҳамкорликда кўрилган чоралар натижасида 7053 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди[1].

Прокуратуранинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти ҳозирги кунда унинг ишидаги энг асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунда прокуратурага бу соҳада юклатилган янги ваколатлар, яъни Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тугатилиб, ваколатларининг прокуратура органларига ўтказилиши, прокуратура томонидан анъанавий равишда қонунларга риоя этиш устидан назорат қилишда амалга ошириладиган ваколатлардан жиддий фарқ қилади, шу боис қуйидаги савол туғилади: мазкур турдаги фаолият қонунларга риоя этиш

устидан назорат функцияси доирасида амалга ошириладими ёки алоҳида, мустақил фаолият йўналишидан иборатми?

Таъкидлаш лозимки, бу савол бежизга кўтарилмаган, боиси унинг ҳал этилиши нафқат назария учун, балки энг аввало, амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга, боиси прокуратура фаолияти таркибида мазкур турдаги фаолият ўрнига аниқлик киритилиши нафқат назорат предметини аниқлаштиради, балки прокурор таъсир чоралари таркибини ва унинг кейинги ривожланиш йўллари кўрсатади.

Биринчи навбатда, прокуратура функциялари ва фаолият йўналишлари тушунчаларини кўриб чиқиш лозим, чунки улар прокуратура фаолияти мазмуни ва чегараларини очиб берувчи ва изоҳловчи ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

В.П. Рябцев прокуратура функциясини прокуратуранинг ижтимоий мақсадидан келиб чиқадиган, унинг вазифаларида ўз аксини топадиган, ўзига хос муайян предмети билан тавсифланадиган, тегишли вазифаларни бажаришга қаратилган ҳамда тегишли ваколатлар ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни тақозо этадиган фаолият тури сифатида кўради[2].

Бунда прокуратуранинг тузиш заруратини келтириб чиқарган асосий функцияси тариқасида, В.П. Рябцев қонунлар ижроси устидан назоратнинг подфункциялари сифатида эса - ҳокимият, назорат ва бошқарув органлари томонидан қонунларга риоя этилиши устидан назорат; кўрсатиб ўтилган органлар томонидан инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат; тезкор қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи

органлар томонидан қонунларни ижро этилиши устидан; жазони ижро этувчи органлар ва муассасалар маъмурияти томонидан қонунларни ижро этилиши устидан назоратни тушунади.

Қатор олимлар, шу жумладан В.Г. Даев, М.Н. Маршунов ва бошқаларнинг фикрига кўра, прокуратуранинг ягона функцияси - бу назорат бўлиб, қолган барчаси - бу фақатгина назоратни амалга ошириш шакллари дир[3].

В.В. Клочков ва В.П. Рябцев қонуларни ижро этилиши устидан назорат функцияси билан бирга бошқаларни ҳам ажратишади - жинойят таъқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик билан курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиш[4].

Турли олимлар томонидан таклиф қилинган функциялар ва йўналишлар рўйхатини таҳлил этишда, шу нарса аниқ бўладики, фарқланувчи жиҳат сифатида берилаётган предмет ва ваколат доирасидаги тафовутлар, подфункциялар (тармоқлар, йўналишлар)га нисбатан функцияларда яққол кўзда ташланади, шунинг учун прокуратура томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш алоҳида мустақил функция эканлиги ёхуд қонунлар ижро этилиши устидан назорат функцияси ёки бошқа функция билан қамраб олиниши масаласини ҳал этиш учун, прокуратуранинг мазкур фаолияти ваколати ва предметини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу фаолият турини кўриб чиқишда, биринчи навбатда, шундай ҳулоса юзага келадикки, гўёки, прокуратура томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларига риоя

этилиши устидан назорат қилиш қонунларни ижро этилиши устидан назорат функцияси доирасида - ҳокимият, бошқарув ва назорат органлари томонидан қонунларни ижро этилиши устидан назорат қилиш йўналиши ёки инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат қилиш йўналиши тариқасида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат "ҳокимият, бошқарув ва назорат органлари томонидан қонунларни ижро этилиши устидан назорат" йўналишига тамомила ўтказилиши мумкин эмас, боиси бу ҳолатда назорат предмети ўз таркибига тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар ижроси билан бирга, улар томонидан ҳам қонунлар ижро этилишини киритиши шарт бўлади.

Ваҳоланки, ҳозирги вақтда айнан "тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" ҳамда "тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат"га алоҳида урғу берилмоқда, бунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари[5] ҳам кўриш мумкин. Яъни таҳлил этилаётган фаолият тури ҳокимият, бошқарув ва назорат органлари томонидан қонунларни ижро этилиши устидан назоратнинг фақатгина биргина жихатини қамраб олади.

Прокуратуранинг кўрсатилган фаолият турини "инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат" йўналишига ўтказишга келадиган бўлсак, мазкур подфункция предмети ўз шаклига кўра, прокуратура томонидан инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамловчи қонунлар ижроси текширилишини

назарда тутати. Мос равишда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат предмети, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларига риоя этиш тариқасида кўриб чиқилиши лозим. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари остида ҳам яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам юридик шахслар тушунилади. Демак, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат предмети инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат предметига қисман киради, холос.

Кўриб чиқилаётган фаолият турининг қонунлар ижро этилиши устидан назоратнинг ҳар икки подфункциясига номувофиқлиги, мазкур соҳада прокуратура томонидан амалга ошириладиган ваколатларни кўриб чиқишда янада яққол намоён бўлади. Ушбу икки подфункциянинг ваколат доираси деярли бир хил бўлгани сабабли, улар биргаликда кўриб чиқилади.

Прокуратурага тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун берилган янги ваколатлар, ҳокимият, бошқарув ва назорат органлари томонидан қонунлар ижро этилиши ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда қонунда белгиланган воситалар рўйхатига мос эмас.

Бу борада хорижий давлатларнинг тажрибасига назар соладиган бўлсак, Россия Федерациясининг 2008 йил 26 декабрдаги 294 ФЗ-сонли "Давлат назорати ва муниципал назоратни амалга оширишда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги федерал қонун[6] билан прокуратура органларига

қуйидаги ваколатлар тақдим қилинган:

1) юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларни режали текшириш бўйича ҳар йилги йиғма режасини шакллантириш ва тасдиқлаш;

2) юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларни режадан ташқари сайёр текширишларини келишиш;

3) давлат назорати органлари ва муниципал назорат органлари томонидан ўтказиладиган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларни режадан ташқари сайёр текширишларини ҳисобини юритиш, шунингдек режадан ташқари сайёр текширишларни ҳар йили мониторинг қилиб бориш (294 ФЗ-сонли "Давлат назорати ва муниципал назоратни амалга оширишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги федерал қонуннинг 9, 10 - моддалари.).

Бир қарашдан, режадан ташқари сайёр текширишлар ўтказишни келишиш ваколатини, Прокуратура тўғрисидаги қонунда мустаҳкамлаб қўйилган ваколатлар сирасига киритиш мумкин, хусусан, Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 21-моддасида белгиланишича, прокурор унга юкланган функцияларни бажаришда, жумладан, Қонуннинг 22-моддасида қайд этилган органлар раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан текширишлар ўтказиш, зарур ҳужжатлар, материаллар, статистик ва бошқа маълумотлар тақдим этишни талаб этишга ҳақли.

Бироқ, бу вазиятда прокурор тегишли органлар раҳбар ва мансабдор шахсларидан ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилмайди, балки назорат органи томонидан режадан ташқари текширишни ўтказиш (текширишни келишиш) ёки ўтказишни рад этиш (келишишда рад этиш) ҳақидаги

қарорни қабул қилиш учун ушбу текширишни келишиш ҳақидаги ариза билан бирга кўриб чиқади.

Прокурорнинг худди шундай ваколоти - келишиш - суриштирув органлари томонидан қонунларни ижро этилиши устидан назорат қилишда ҳам мавжуд бўлиб, прокурорнинг суриштирувчи томонидан процессуал қарорларни чиқаришга рухсат бериши сифатида изоҳланади. Ушбу ваколат прокурор томонидан, ҳозирча амалга оширилаётган[7], суриштирув шаклида ўтказиладиган тергов устидан процессуал раҳбарлик[8] воситаси сифатида талқин этилади. Таъкидлаш лозимки, дастлабки тергов органларига нисбатан мазкур ваколатлар прокуратурадан, назорат фаолиятига доир бўлмаган, раҳбарий, ташкилий тусга эга ваколатлар сифатида олиб қўйилган.

Россия Федерациясининг 2008 йил 26 декабрдаги 294 ФЗ-сонли "Давлат назорати ва муниципал назоратни амалга оширишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги федерал қонунга[9] мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектларини режадан ташқари сайёр текширишни келишиш ҳақидаги аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича, улар келиб тушган иш кунидан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан, прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан режадан ташқари сайёр текширишни ўтказишни келишиш ёки келишишни рад этиш ҳақида қарор чиқарилади.

Бу каби таъсир чораси Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунида кўзда тутилмаган - уларда мутлақо бошқа тусдаги воситалар рўйхати берилган: протест, тақдимнома, қарор, огоҳлантирув, судга мурожаат.

Прокуратуранинг режали текширишларни ўтказиш бўйича ҳар йилги йиғма режасини шакллантириш ваколати ҳам мавҳум мазмунга эга.

Россия Федерациясининг "Давлат назорати ва муниципал назоратни амалга оширишда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги федерал қонуннинг 9-моддаси 6-қисмига кўра, режали текширишлар ўтказиладиган йилдан аввалги йилнинг 1 сентябрга қадар, давлат назорати органлари, муниципал назорат органлари прокуратура органларига йиллик режали текширишларни ўтказиш лойиҳаларини юборишади. Прокуратура органлари бу лойиҳаларни кўриб чиқишади, ўз таклифларини давлат назорати органларига беришади, шундан сўнг кўрсатилган органлар прокуратурага йиллик йиғма режани тузиш учун текширишлар ўтказиш тасдиқланган режаларини юборишади.

Мазкур ваколатни ҳам қонунлар ижро этилиши ёки фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат бўйича ваколатлар доирасига қўшиш қийин, чунки қонунлар ижро этилиши бўйича текширишлар прокуратура органларига келиб тушган ҳамда прокурор томонидан чора кўришни талаб этадиган қонун бузилиши ҳолатлари ҳақида фактлар асосида ўтказилади, шунингдек тегишли таъсир чораси қонун бузилиши муносабати билан ҳам қўлланиши мумкин - бунинг учун "Прокурорнинг ваколатлари" номли 22-модда мазмунига эътибор бериш етарли (прокурор "органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонун бузилишига йўл қўйилгани ҳолати аниқланган тақдирда" қонунни бузган шахсларга нисбатан Қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган

чораларни кўришга мажбур"). Бундан огоҳлантирув шаклидаги таъсир чораси мустасно, боиси у тайёрланаётган қонунга хилоф қилмишлар ҳақида маълумотлар мавжудлигида қўлланади.

Бу ерда эса қонун бузилиши ҳолатлари хусусида маълумот йўқ, хаттоки тайёрланаётган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар мавжудлигини ҳам айтиб бўлмайди, боиси назорат қилувчи органлар прокуратурага фақат режали текширишлар ўтказиш ҳақидаги таклифларни тақдим этади, айнан уларнинг қонуийлигини ўрганиш таклиф этилади[10]. Бунда йиғма текшириш режасидан, назорат органлари томонидан берилган, бироқ қонун талабларига мувофиқ бўлмаган режа бандларини чиқариб ташлашни, қонунлар ижро этилиши устидан назоратга мутлақо хос бўлмаган таъсир чораси сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Прокуратуранинг кўриб чиқиладиган фаолият тури унинг мавжуд фаолият йўналишларидан бирортасига мос эмаслиги хусусида билвосита равишда шу нарса ҳам далолат берадики, янги ваколатлар Прокуратура тўғрисидаги қонунда мутлақо кўрсатиб ўтилмаган.

Кўриб чиқилган ваколатларни, шартли тарзда профилактик чоралар ва қонунлар ижро этилиши устидан назорат воситалари умумий туркумига киритиш мумкин, буларнинг барчаси эса, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат прокуратура фаолиятининг янги подфункцияси (йўналиши), ёки эҳтимол, прокуратура фаолиятининг мутлақо янги функцияси сифатида кўриб чиқилиши мумкинлигидан далолат беради.

Бундан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, мазкур

фаолият тури ҳақида сўз юритганда, ўзининг буйруқларида қонунчиликка киритилган ўзгаришлар муносабати билан прокуратурага юклатилган янги ваколатларни, давлат назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги ваколатлар тариқасида белгилаши ҳамда прокурорларни ушбу соҳада ваколатларини амалга оширишда қўйидагиларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1) давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятини таъсирчан назоратини амалга ошириш ва ахборот алмашинувини таъминлаш;

2) назорат ишини идоралараро ўзаро мувофиқлаштиришни таъминлаш, назорат ҳаракатларини такрорлаш ва тадбиркорларга маъмурий босим ўтказиш мақсадида текширишлардан фойдаланиш ҳолатларини олдини олиш бўйича чора кўриш.

Бундан ташқари, буйруқда "Тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашувчи қатор чоралар"ни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. **Жумладан:**

1) давлат назорати органлари билан ҳар ярим йил иш якунлари бўйича ўтказилган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни режадан ташқари текширишлар ҳақида маълумотларни ўзаро таққослаш мажбурияти;

2) давлат назоратини амалга ошириш давомида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари маълумотларини тизимли йиғиш, тўплаш ва қайта ишлаш мажбурияти.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, прокуратуралар ҳузурида, тегишли прокуратуралар, назорат қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида доимий фаолият юритадиган кичик ва ўрта бизнес ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат кенгашлари ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кенгашлар фаолиятининг асосий мақсади тадбиркорларнинг иқтисодий фаолиятига ноқонуний маъмурий аралашув ҳолатларини аниқлаш бўйича барча кучларни ўзаро мувофиқлаштириш, прокуратура ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада оширишдан иборатлиги кўрсатиб ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, прокуратура зиммасига, мазкур соҳада назорат ваколатлари билан бирга, моҳиятан, давлат назорати соҳасида мувофиқлаштириш ваколатлари ҳам юкланади. Мувофиқлаштириш фаолияти остида шундай ҳуқуқий фаолият турини тушуниш лозимки, у вазифалар ва функцияларни ижро этиш сифати ва самарадорлигини ошириш, шунинг асносида умумжамоавий, гуруҳ ва индивидуал эҳтиёж ва манфаатларни янада тўлиқ қаноатлантириш мақсадида, ваколатли органларнинг турли шаклдаги ҳокимият тоифалари (турлари) ўртасида энг мақбул мувозанатни ўрнатишга қаратилган бўлади[11], юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларни режали текшириш Йиғма режасини шакллантириш ва тасдиқлаш ваколатини, шунингдек Бош прокурорнинг буйруқларида санаб ўтилган бошқа ваколатларни амалга оширишда айти шу нарса юз беради. Прокуратурада бундай фаолият

боорасида маълум тажриба аллақачон мавжуд. Жумладан, прокуратура жиноятчилик билан курашиш фаолиятини мувофиқлаштиради, аввалроқ эса прокуратура бошқа ҳуқуқбузарликлар билан курашиш (одам савдоси, коррупцияга қарши курашиш, ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва бошқалар) фаолиятини ҳам мувофиқлаштириб борган.

Агар прокуратуранинг ушбу соҳада янги ваколатлар билан таъминлаш жараёни давом этадиган бўлса, бу ҳолда, эҳтимол, янги функция - хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш функцияси ҳақида сўз юритиш учун асослар пайдо бўлади.

Ҳозирги вақтда эса, эҳтимол, қонунлар ижро этилиши устидан назорат функцияси доирасида алоҳида подфункция ажралиб чиқиши хусусида тахмин қилиш мумкин. Кўрсатиб ўтилган йўналиш предмети ҳақида сўз юритсак, уни Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган, давлатимиз томонидан белгиланган тартибда имзоланган ва ратификация

қилинган халқаро шартномаларда мавжуд бўлган, қонун ҳужжатларида ўз аксини топган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши тариқасида ифодалаш мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда, прокуратура фаолияти қонун доирасида, ушбу фаолият турини алоҳида ажратиш шаклида ёки Прокуратура тўғрисидаги қонунга тегишли фаолият йўналишларига доир қўшимчалар киритиш шаклида тартибга солиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни комплекс ҳуқуқий тартибга солиниши уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, бу эса замонавий шароитларда гоят муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўз навбатида амалдаги "Прокуратура тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунларига ўзгартириш киритиш ва ушбу фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг тегишли буйруқларини қабул қилиш лозим бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотлари асосида Настольная книга прокурора /Под ред. С.И. Герасимова. М., 2002. –С. 34.
2. Даев В.Г., Маршунов М.Н. Основы теории прокурорского надзора. Л., 1990. – С. 45-46.
Клочков В.В., Рябцев В.П. О функциях прокуратуры // Социалистическая законность. 1990. №9. – С. 30.
3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 30.10.2017 йилдаги 151-сонли буйруғи;
4. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг "Ўзбекистон Республикаси қуроли кучлари, миллий хавфсизлик, солиқ ва божхона хизмати органлари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги 2017 йил 24 ноябрь кундаги 161-сонли буйруғи;

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2017 йил 24 ноябрь кундаги 166-сонли буйруғи.

6. Собрание законодательства РФ. 2008. N 52 (ч. 1). – С. 6249.

7. Крюков В.Ф. Уголовное преследование и прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании уголовных дел в условиях реформирования системы прокуратуры Российской Федерации // СПС Консультант Плюс. 2007.

8. Смирнов Г.К. Проблемы совершенствования института участия прокурора в досудебном производстве // Российская юстиция. 2008. № 11/ СПС Консультант Плюс.

9. Собрание законодательства РФ. 2008. N 52 (ч. 1). – С. 6249.

10. Приказ Генерального прокурора РФ от 02.10.2009 N 319 "О порядке формирования ежегодного сводного плана проведения органами государственного контроля (надзора), муниципального контроля плановых проверок в отношении юридических лиц и индивидуальных предпринимателей" // СПС КонсультантПлюс.

11. Максуров А.А. Координационная деятельность в правовой системе общества: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Нижний Новгород. –2001. – С. 7.